

**АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙНИНГ АСТРОНОМИЯ ФАНИ РИВОЖИГА  
ҚҮШГАН ҲИССАСИ**

**Мадраҳимов Тохиржон Исраилович**  
*Наманган вилояти Чортоқ туманидаги*  
*8-ИДУМ нинг фахрий физика фани ўқитувчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада X-XI асрларда сермазмун ижод этган хоразмлик серқирига буюк қомусий олим ва мутафаккир Абу Райхон Берунийнинг астрономия фани соҳасида олиб борган ишлари ҳақида сўз боради. Унинг астрономия фани ривожига қўшиганд ҳиссаси илмий асосдан очиб берилади.

**Калит сўзлар:** геоцентрик ва гелеоцентрик, геология, минерология, геодезия, фармакология.

Ўрта асрнинг буюк қомусий олими, Хоразм фарзанди Абу Райхон ибн Аҳмад ал-Беруний замонасининг қатор фанлари: астрономия, физика, математика, геодезия, геология, минерология, тарих каби фанларни чукур ўрганди. У Хоразмнинг қадимги пойтахти Кат (Беруний) шаҳрида туғилди ва ёшлигиданоқ илм-фанга қизиқиши орта борди. Беруний кейинчалик машҳур олим Абу Мансур ибн Ироқ қўлида таълим олди. Ибн Ироқ астрономия, геометрия, математикага оид бир қанча асарлар ёзиб, шулардан 12 тасини Берунийга бағишилайди.

Ўз илмий асарларидан бирида ёзишича, Хоразмда яшаган даврида 990 йиллардан бошлаб, Кат шаҳрида муҳим астрономик кузатишлар ўтказган. Бу кузатишлар учун ўзи астрономик асбоблар ихтиро этган.

Беруний Журжонда астрономия, нетрология тарихига оид 10 дан ортиқ асар ёзди.

Хоразмни Маҳмуд Ғазнавий томонидан босиб олиниши Беруний ҳаётини хавф остига қўяди. У Хоразмшоҳ саройидаги барча олимлар билан бирга Ғазна шаҳрига асир қилиб олиб кетилади. Берунийнинг 1017-1048 йилларда Ғазнада кечирган ҳаёти бир томондан оғир кечган бўлса, иккинчи томондан, унинг илмий фаолияти учун маҳсулдор давр бўлди. Унинг муҳим астрономик географик асар “Таҳдид ниҳоят ал-амония ли тасҳиди масофат масокин”, “Туар жойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларни охирги чегараларини аниқлаш”, “Геодезия” 1025-йилларда ёзиб тугалланган.

Берунийнинг “Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар” асар ҳам 1029-йил Ғазнада ёзилган. Асарнинг форсча, арабча нусхалари бизгача етиб келган. Унда ўша замон астрономияси билан боғлиқ бўлган бир қанча фанлар ҳақида муҳим маълумотлар берилган.

Астрономияга бағишилган “Маъсуд қонуни” асарини Маъсуддага бағишилайди. Ўша давр олимларидан бири Ёқутнинг ёзишича “Маъсуд қонуни” китоби математика ва астрономия бўйича унгача ёзилган ҳамма китоблар изини ўчириб юборган.

Беруний сўнгги авлодларга катта мерос қолдирди. Беруний ўз даври илм-фанининг турли соҳаларига оид 160 дан ортиқ таржималари, асарларидан ташқари астрономия, математика, геодезия, геология, минерология, география, тиббиёт, фармакология, тарих, философия масалаларига оид қатор рисолалар яратди. “Астрономияга кириш”, “Астрономия калити”, Фарғоний “Элементлари”га тузатишлар шулар жумласидандир.

Беруний қадимги Юнон илми ва унинг вакиллари Аристотел, Птоломей, Эвклид кабиларнинг асарлари, ҳинд, мусулмон олимлари ал-Хоразмий, Фарғоний, Баттоний, Розий, абу Таммам, ибн Қайсум, Абу Маъшар асарлари билан яқиндан таниш бўлган.

Уларга шарҳлар, изоҳлар, тузатишлар, раддиялар ёзган. Унинг илмий мероси ғоят ранг-баранг бўлиб, тиббиёт фанига, астрономия фанига хизмати жуда каттадир. Осмон жисмларини геометрик тушунтириш асосида Беруний Коперникдан бир неча аср давома Ерни коинот маркази деб билувчи геоцентрик ва Қуёшни коинот маркази деб ўргатувчи гелеоцентрик тизим teng кучга эга деган хulosага келади. Беруний ҳаракат траекторияси ва осмон ёритгичлари шаклини эллепсоид эканлиги ҳақида биринчи бўлиб фикр юритган олимлардан бўлиб, жойларни географик узоқлигини, кенглигини аниқлаб олишда наватор ҳисобланади.

Берунийнинг кузатувчанлигини шундан билса бўладики, у ўзининг “Тахдид ниҳоятул-амёкинли тасҳих масофатул масокун” (жойлар чегараларини аниқлаш учун жойларни масофаларини белгилаш) қисқача “Геодезия” китобида Ой ва Қуёш тутулиш сабабларини кўрсатади. Бунинг ёрдамида жойларнинг географик кенгликларини аниқлаш йўлини тушунтиради.

Беруний “Геодезия” китобида ўзи ясаган 10 га яқин асблоблар ёрдамида осмон ёритқичларини ҳолати ва ҳаракатини ҳамда жойлар кенгликларини аниқлаганини баён қиласди. Бу эса Берунийнинг экспериментал физика ва астрономияга асос солғанлигидан ёрқин далолат беради.

Бу асар астрономия, физика ва математика учун муҳим аҳамиятга эгадир. Ернинг ҳаракати ҳақидаги масалани Беруний ер шари айланаси ҳажмини жуда аниқроқ белгилаш масаласини ҳал этиш билан боғлайди. Бу масалани у ижобий ва салбий натижалар билан боғлиқ бўлган дастлабки зарур шарт-шароит сифатида талқин қиласди. Қўйилган муаммони қандай ҳал этиш у ёки бу сўроққа жавоб қайтариш шунга боғлиқдир.

Ер ҳажмини белгилаш ҳиндиstonlik ва румлик олимларнинг тадқиқот мавзуи бўлганлигини Беруний қайд этади. Аммо уларнинг чиқарган хulosалари бир-бiriникидан фарқ қиласди. Галлен (129-200-йиллар) берган маълумотларга қараганда, грек олими Эртосфен (эрамизгача бўлган (276-196 йиллар) Асуан ҳамда Александрия шаҳарларини оралигини «стадия» белгиси билан ўлчайди. Мазкур шаҳарлар Тадмора ва Ракки сингари аҳоли яшайдиган пунктлари билан ягона меридианда жойлашган эди.

“Маъсад қонуни” китобида ер радиусининг ўлчовини аниқлашда олимларнинг фикр-мулоҳазалари ва кузатиш натижаларида хилма-хиллик хукм сурганини Беруний

кўрсатиб ўтади. Бу масаладан ҳабардор бўлган аббосийлар ҳалифаси, ўрта аср фанининг йирик маърифатпарвар ҳомийси (813-833 йилларда хукмронлик қилган) унга аниқлик киритишни йўлга қўйиш тўғрисида фармон беради. Илмий экспедиция ўюширилиши натижасида аниқланадики, бутун ер айланасиининг уч юз олтмиш даражадан бири 56, 2/3 миляга тенг келар экан.

Аҳмад Фарғоний бошлиқ Ал-Маъмун экспедициясининг берган маълумотларидан кўнгли тўлмаган Беруний ҳар эҳтимолга қарши ўзи кузатиш ўтказишга аҳд қиласди. Буларнинг ҳаммасини ўз қўлим билан бажариш каминанинг улкан истаги эди, деб ёзади олим. Шу аснода мен ҳатто Даҳистон шимолидаги текис бўш ерни танладим. Бу ер Каспий денгизининг шарқий-жанубида жойлашган. Мазкур бўшлиқ Журжон ери эди. Бироқ мен саҳрони оғир шароитига бардош бера олмадим, ўзимга бу ишга содик ёрдамчи ахтариб топа олмадим. Ушбу боисдан бу ишдан воз кечдим, андин нафи зиёдроқ ўзга бир йўлни топдим. Ҳиндлар еридан топган тоғим саҳро бағринда қад қўттармиш сатҳи текис тоғ эди. Ани сатҳ текислигини фақат денгиз сатҳи билан қиёслаш мумкин. Мен тоғ чўққисидан туриб кўринишда осмон билан ерни туташтириши чизиги ёндош бурчакни, яъни осмон айланаси бурчагини ўлчадим.

Шунга қарамай, олим ўз маълумотларини тўла эмас деб ҳисобларди. Дарҳақиқат, улар Ал-Маъмуннинг илмий экспедицияси қўлга киритган маълумотлар даражасидан паст эди. Шунинг учун ҳам Беруний уларни қўлга киритган хulosаларига амал қилишни тавсия этади. Лекин Ал-Маъмун экспедициясининг тадқиқот жараёнida қўллаган асбоб-ускуналар аниқлиги, йириклиги ва оғирлигига қарамасдан Берунийнинг кузатув натижаси ҳақиқатга анча яқин эди.

Аҳмад Фарғоний бошлиқ Ал-Маъмун экспедициясининг маълумотига кўра <sup>1</sup> меридианнинг узунлиги 111,8 километр, Берунийда эса бу 110,6 километр, унинг ҳақиқий ўлчами  $32^{\circ}$  кенглик учун 110,9 километрни ташкил этади. Ер радиусининг узунлиги борасида ҳам худди шундай қиёсий хulosалар чиқариш мумкин. Берунийнинг ўтмишдошлари шу кўрсаткични тахминан 6406,5 километр деб топишган эди. Олим берган маълумотларга эса Ер радиусининг узунлиги 6339,6 километрга тенг бўлиб, ҳақиқатга яқиндир.

Одам ернинг шарсимонлик ҳолатини тоғ чўққисида, ўрта қисмида ва пастда ёқилган гулханлар ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин. Тоққа томон бораётган йўловчига аввало унинг чўққисида ёқилган олов, сўнг ўртасидаги ва энг кейин эса пастдаги ўт кўринади. Аммо шарсимонлик шакли фақат қуруқликдагини эмас, балки сув сатҳига ҳам хосдир. Денгизлардаги кемаларни кузатишлар шундан далолат беради.

Берунийнинг Ерни шарсимонлиги тўғрисидаги таълимоти, афтидан, жуда муҳим ғояга замин ҳозирлади. Бу ғоя келажакда машҳур инглиз олими Исаак Ньютон томонидан илмий асосланган олам тортишиш назариясини кашф этишга йўл очиб берди. Мазкур даъвони исботсиз қолдирмаслик учун мутафаккирнинг ўз фикрини келтирамиз. “Оғирликлар чор атрофдан марказга интилиш хусусиятига моликдир” деб ёзади у. Сув сатҳини юмалоқлиги ушбу важдан эрур. Бу думалоқлик тўлқинлар

миқёсида сув зарралари орасида етарли даражада бир-бирига тортилиш бўлмаса, шундагина шаклини ўзгартиради. Бу ўринда оғирроқ жисмлар ва элементлар (унсурлар) марказга томонга силжийди, энг енгиллари эса ундан узоқлашади, олим ҳатто “Хиндистон” асарида жисмларнинг бир-бирига тортилиши табиатнинг умумий қонуни эканлигини қайд қилган.

У биринчилар қаторида геоцентризмни сирли пардасини йиртиб ташлади. Геоцентризм борлиқнинг объектив қонунларини тушуниш ва тушунтиришда ягона восита эмаслигини эълон қилди олим.

Ўз ўтмишдошлари – Аристотель, Птоломей, Архимед, ал-Киндий, ал-Хоразмий, Фарғоний, Фаробий ва бошқаларнинг буюк номларга нисбатан меҳр-мухабbat ва ҳурмат-эҳтиром олимга ўз гениал фаразлари ва ғояларини баралла айтишга халақит бермади.

Биз Беруний шахсида янги типдаги олимни кўрамиз. У ўз даврида аста-секин шакллана бориб, Европа Уйғониш даврида эса бутунлай шаклланиб камол топади. Берунийнинг табиий илмий ғоялари фанга бутунлай жон дилдан берилган буюк олимнинг жасоратли руҳидан, ўлмаслигидан далолат беради.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Абу Райхон Беруний Танланган асарлар.
2. Зикрилаев. Абу Райхон Беруний.
3. Р.Носиров. Берунийнинг табиий-илмий қарашлари.
4. Маънавият юлдузлари.
5. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.
6. Т.Мадрахимов. Аҳмад Фарғоний ва Бағдод Маъмун академияси.
7. Астрономия. Мактаб дарслиги.